



## ЯНГИ ДАВРИ БОШЛАБ БЕРГАН ТАРИХИЙ ТАШРИФ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга ташрифини мамлакатимиз ва хорижий давлатлар экспертлари шундай баҳоламоқда**

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига ташрифи, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи юртдошларимизга чексиз гурур-ифтихор бағишлади. Бу мазкур ташриф анчадан бун кутилгани, Президентимизнинг нутқи одамларнинг қалбидан, тафаккуридан чуқур жой олганидан далолат.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 193 мамлакатни бирлаштирган энг йирик халқаро тузилма. Бош Ассамблея унинг асосий органи. Бош Ассамблея сессиясида дунё етакчилари йиғилади, иштирокчилар ва тadbир-

лар кўпلىгидан ҳар бир сония ҳисобли бўлади. Шу боис унинг кун тартибидан энг муҳим, халқаро аҳамиятга молик масалалар урин олади. Бош Ассамблеянинг 72-сессияси кун тартибига 170 дан ортқ масала киритилди.

Президентимизнинг нутқи мазмундорлиги ва аҳамияти билан алоҳида ажралиб турди. Қисқа бўлишига қарамай, нутқ замонамизнинг энг долзарб мавзуларини қамраб олди: Ўзбекистондаги ислохотлар, демократия, инсон ҳуқуқлари, ёшлар масаласи, диний бағрикенглик, халқаро хавфсизлик, минтақавий ҳамкорлик, экология ва ҳоказо.

(Давоми 3-бетда.)

## САМИМИЙ ҚУТЛОВ

**Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни АҚШга ташрифи билан қутлади.**

Мазкур табрик мактуби давлатимиз раҳбари шарафига шу йил 21 сентябрь куни ташкил этилган Ўзбекистон ва АҚШ ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида ўтказилган қабул маросимида ўқиб эшиттирилди.

Қутлов изчил ривожланиб бораётган Ўзбекистон ва АҚШ муносабатларининг бугунги ҳолатини ифода этиб, икки давлат Президентларининг мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлики янада мустаҳкамлаш мақсадида яқдиллигини тасдиқлади.

Куйида ушбу табрик матни эълон қилинмоқда.

**Оқ уй,  
Вашингтон шаҳри,  
2017 йил 20 сентябрь**

Мелания ва мен Ўзбекистон Республикаси элчихонаси ҳамда Америка-Ўзбекистон савдо палатаси томонидан ташкил этилган қабул маросимининг барча қатнашчиларини табриклаймиз.

Америка халқи номидан Президент Шавкат Мирзиёевни Америка Қўшма Штатларига ташрифи билан чин дилдан қутлаймиз. Ўзбекистон 1992 йилдан бун хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, Марказий Осиё минтақасини тараққий эттириш бўйича умумий саъй-ҳаракатларимизда муҳим шерикка айланди.

Америка Қўшма Штатлари иқтисодиётга сармоя киритиш орқали ҳамда маданий алоқалар ва турли даражадаги ҳамкорлик асосида давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаб келаётган ўзбекистонлик шерикларимиз фаолиятини қадрлайди. Қўшма Штатлар ўзаро дўстлик ришталарини ривожлантириш ва келгуси авлодлар учун имкониятларни кенгайтириш йўлида олиб борилаётган ишларни давом эттиради.

Қабул маросими барча қатнашчилар учун сермазмун ўтишини тилайман.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ 72-СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ НИГОҲИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқи хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди, БМТнинг расмий сайти (un.org), шунингдек, sputniknews-uz.com, rt.com, currenttime.tv ва бошқа порталларда онлайн тарзда эфирга узатилди.

Давлатимиз раҳбарининг, айниқса, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш ва Бош Ассамблеянинг «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш бўйича ташаббусларига хорижий интернет нашрларида алоҳида эътибор қаратилган.

БМТ расмий сайтида (un.org) ёзилишича, Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқида

БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф қилди, терроризм муаммосига катта эътибор қаратиб, унинг туб сабабларига барҳам беришга чақирди.

«Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва мурасасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир», деб алоҳида қайд этди Ўзбекистон Президенти.

Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган

ёшлар томонидан содир этилаётганини таъкидлаб, Президент Шавкат Мирзиёев «глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат — БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш»ни таклиф этди.

«Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз — ёшларнинг ўз салоҳиятини намоян қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик гоёси «вируси» тарқалишининг олдини олишдир», деди Шавкат Мирзиёев, деб ёзади БМТ сайти.

(Давоми 2-бетда.)

**Газетани varaқлаганда:**

**Фидойиликсиз  
марралар забт  
этилмайди**

ёки Қоракўлдаги  
1-ИДУМИ фаолиятига  
бир назар

7-бет

**Кутубхонада  
инновацион  
фаолият**

Уни қандай ташкил  
этиш мумкин?

8-9-бетлар



**1-oktabr — O'qituvchi va murabbiylar kuni**

## Эзгулик бунёдкори



6-бетга қаранг.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ 72-СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ НИГОҲИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ТАСС ахборот агентлиги (tass.ru) ёзишича, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясига ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ишлаб чиқиш ҳамда маърифат ва диний бағрикенглик тўғрисидаги резолюцияни қабул қилишни таклиф этди. Шунингдек, Ўзбекистон раҳбари жаҳон жамоатчилига «ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини» етказишга чақирди.

«Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мўжассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиши билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроसा қила олмаймиз», деди Ўзбекистон раҳбари ҳамда ислом дини «эзулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга» даъват этилишни кайд этди».

Ўзбекистон Президенти БМТга аъзо давлатларга «БМТ Бош Ассамблеясининг «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи» билан мурожаат қилди.

«Бу ҳужжатнинг асосий мақсади — барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга қўмаклашишдан иборат. Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймазликка қўмаклашишга қаратилган», деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев», дейилди ТАСС хабарига.

Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, Орол денгизи қуриши муаммоси, қўшни мамлакатлар билан яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш масалалари ҳам хорж оммавий ахборот воситаларининг алоҳида эътиборини тортди.

БМТ расмий сайти (un.org) ахборот беришича, Шавкат Мирзиёев Амурдаё ва Сирдарё ҳавзалари сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенциялар лойиҳаларини қўллаб-қувватлашни кайд этди ҳамда халқаро ҳамжамиятни Орол денгизи буткул қуришининг олдини олишга чақирди.

«Бугунги куннинг энг ўткир экологик муаммоларидан бири — Орол ҳалокатига яна бир бор эътиборингизни қаратмоқчиман. Мана, менинг қўлимда — Орол фожиаси акс эттирилган харита. Уйлайманки, бунга ортқача изохга ҳолат йўқ. Денгизнинг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этиш халқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни фаол бирлаштиришни тақозо этмоқда», деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон Президенти БМТ томонидан Орол фожиасидан жабр кўрган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш бўйича шу йил қабул қилинган махсус дастур тўлиқ амалга оширилиши лозимлигини таъкидлади.

Президент Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш муаммолари тўғрисида сўз оритар экан, минтақанинг умумий сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш масаласига тўхталди: «БМТ Бош котибининг «сув, тинчлик ва хавфсизлик муаммолари ўзаро чамбарчас боғлиқ», деган позициясини тўла қўллаб-қувватлаймиз. Ишончим комил, сув муаммосини ҳал қилишнинг минтақа мамлакатлари ва халқлари манфаатларини тенг ҳисобга олишдан бошқа оқилона йўли йўқ», деб ёзади un.org сайти.

Ўзбекистон, Шавкат Мирзиёев таъкидлашича, ўзининг таъкидлашида Марказий Осиё минақсига устувор аҳамият қаратмоқда, деб таъкидлайди «Спутник» янгиланган агентлиги (ru.sputniknews-uz.com).

«Биз Марказий Осиё мамлакатлари

билан ҳеч истисносиз барча масалалар бўйича оқилона муроса асосида ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз тўғрисида кейинги ойлари минтақамизда сиёсий ишонч даражаси сезиларли даражада ошди. Кўпгина масалалар бўйича принципиал жиҳатдан муҳим ечимлар топишга эришилди. Сентябрь ойининг бошида Ўзбекистон—Қирғизистон давлат чегаралари тўғрисидаги шартнома имзоланиши том маънода муҳим воқеа бўлди. Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё — биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир», деди Ўзбекистон раҳбари».

Шавкат Мирзиёев сув ресурслари билан боғлиқ мураккаб ва глобал мавзуга тўхталар экан, бу муаммога БМТ шафелигида минтақанинг барча мамлакатлари манфаатларини ҳисобга олган ва муросага асосланган ҳолда ёндашиш лозимлигини яна бир бор алоҳида кайд этди.

«Россия 24» телеканали хабар беришича, Ўзбекистон Президенти Бош Ассамблеядаги нутқида Марказий Осиё мамлакатлари саммитини ўтказишни таклиф этди ҳамда бундай тадбирлар сиёсий ишонч даражасини оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

«Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё — биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир. Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир. Биз Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳеч истисносиз барча масалалар бўйича оқилона муроसा асосида ҳамкорлик қилишга тайёрмиз», деб таъкидлади Ўзбекистон раҳбари».

Хорж оммавий ахборот воситалари Шавкат Мирзиёевнинг БМТ фаолиятини ислоҳ қилишга доир ташаббусларига эътибор қаратди.

Россия ахборот агентлиги (ria.ru)нинг таъкидлашича, Ўзбекистон Президенти Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида сўзлаган нутқида Хавфсизлик Кенгашини бугунги кун талабларига мос равишда кенгайтириш зарурлигини таъкидлади ҳамда БМТнинг янги раҳбарияти томонидан ташкилотни бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни қўллаб-қувватлади.

«Анадолу» ахборот агентлиги (aa.com.tr) кайд этганидек, Ўзбекистон Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон БМТнинг босқичма-босқич ислоҳ этилиши тарафдори эканини таъкидлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар тўғрисида БМТга аъзо давлатларга тақдим этилган ахборот хорж оммавий ахборот воситалари диққат марказида бўлди.

tengrinews.kz ахборот портали хабар беришича, Шавкат Мирзиёев ўз нутқини Ўзбекистон сиёсати ва иқтисодиёти тўғрисида қисқача шарҳ беришдан бошлади, охириги йилда мамлакатда иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда глобал ўзгаришлар рўй берганини таъкидлади. «Биз оддий бир ҳақиқатдан келиб чиқмоқдамиз: халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади», деб алоҳида кайд этди Ўзбекистон Президенти». БМТ билан ҳамкорлик ҳақида сўз оритар экан, Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон демократик ҳуқуқ ва эркинликларни мустаҳкамлаш сари қатор муҳим чоралар кўрганлини, жумладан, хоржга чиқиш визалари бекор қилинганини таъкидлади.

ТАСС ахборот агентлиги (tass.ru) Ўзбекистон Президенти Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан туриб Ўзбекистон мақса-

ди демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат туб ислохотлар амалга ошираётгани ҳақида маълум қилди, деб хабар беради.

«Ишончимиз комил: халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак», деб қайд этди Шавкат Мирзиёев. У Ассамблея иштирокчиларига Президентнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналари ташкил этилгани ҳақида хабар қилди. Уларга мурожаат қилган бир миллиондан ортққ фуқаролар ўзларининг долзарб муаммоларини ҳал қилди».

Ўзбекистон раҳбари таъкидлаганидек, Халқаро меҳнат ташкилоти билан яқин ҳамкорликда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича чоралар кўрилди. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссарининг таширифидан сўнг инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш юзасидан чора-тадбирлар дастури қабул қилинди. «Одамларнинг эркин ҳаракат қилишини келайдиган хоржга чиқиш визалари сингари умрини мутлақо ўтаб бўлган ўтмиш қолдиқлари бекор қилинди», деб Шавкат Мирзиёевнинг сўзларини келтирди ахборот агентлиги.

Давлатимиз раҳбарининг Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал қилишга оид фикрлари ҳам хорж медиа оламида катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон АҚШ Президенти Дональд Трампнинг Афғонистон билан қўшни мамлакатларни афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилишга қўмаклашишга оид даъватини қўллаб-қувватлайди ҳамда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг фикрича, Афғонистонда тинчликка эришишнинг ягона йўли — марказий ҳукумат ва мамлакат ичидagi асосий сиёсий кучлар ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб боришдир, деб таъкидлайди Россия ахборот агентлиги (ria.ru).

Президент Ўзбекистон Афғонистоннинг иқтисодий тикланишига, унинг транспорт ва энергетика инфрақурилишини ривожлантиришга, миллий кадрларини тайёрлашга бундан буюн ҳам ҳисса қўшади, деб қайд этди, деб ёзади Россия ахборот агентлиги (ria.ru).

Би-Би-Си Ўзбек хизмати (bbc.com/uzbek) — «Халқаро молиявий тузилмалар ва АҚШ ишбилармон доиралари билан ўтказилган учрашувлар солидида Шавкат Мирзиёев ушбу таширифдан Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялар жалб қилиш ва иқтисодиёт соҳасида икки томонлама шартномалар имзолашда самарали фойдаланди. Мамлакатдаги иқтисодий ислохотлар ва валюта сиёсатининг либераллаштирилиши АҚШ бизнес ҳамжамиятида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар бизни хурсанд қилмоқда. Ўзбекистонда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар Ватанимизга муҳаббат, ундан гурурланиш туйғусини янада кучайтирмоқда», деб таъкидлади.

Хорж оммавий ахборот воситалари, шунингдек, давлат арбоблари ва оддий одамларнинг Президентимизнинг нутқи ва таширифига доир муносабатини ҳам ёритган.

«Америка овози» радиоси «Ватандош» жамияти фаоли Н.Содиқов билан интервьюни эълон қилган. Н.Содиқов «Биз, ўзбек диаспораси вакиллари, Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга таширифидан мамнунмиз. Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар бизни хурсанд қилмоқда. Ўзбекистонда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар Ватанимизга муҳаббат, ундан гурурланиш туйғусини янада кучайтирмоқда», деб таъкидлади.

«Узметрон» ахборот портали (uzmetron.com) ёзишича, «Ўзбекистон Президентининг Нью-Йоркдаги нутқи — хоржда мамлакатимиз ҳақида шаклланган бир хил қолипдаги ташуналарни максимал даражада лўнда ва ишонarli ўзгартирганининг тасдиғидир. Моҳиятан, бу БМТ Низомида мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари усту-

ворлиги, умуминсоний қадриятлар, халқаро ҳамкорлик субъектларининг ўзаро муносабатларига доир тамойилларга тўлиқ ва сўзсиз содиқ бўлган давлатнинг янги қиёфасини намойиш этди».

Вақт қатъий чегараланган, аудиторияда шундоқ ҳам ахборот кўп бўлсада, нутқда фикрларни қисқа баён қилиш усули эътиборни тортди, деб ёзади ахборот портали. Прагматик сиёсий муҳитда аънаваний равишда яхши қабул қилинмайдиган узун, таржима қилиш мураккаб гаплар, тарихга назар ва лирик чекинишлар йўқлиги эътиборга молик. Унинг ҳамкорларга айтадиган ҳар бир фикри чуқур ўйланган. Ҳар бир хатбоши — у факт ёки тезис бўлсин, атиги бир гапдан иборат бўлиб, тезда хотирада муҳрланишга мўлжалланган. Шавкат Мирзиёев атиги бир йил ичида Ўзбекистонда айнан нималар ўзгариши, мамлакатни нималар таъшишга солаётгани, мавжуд глобал муаммолар шароитида келажакни қандай қўраётганини максимал даражада содда шаклда аудиторияга етказишга интилди.

Фикр ва баённинг тинчлиги илгари сурилган таклифлар билан бирга, Президент сессияга пухта тайёргарлик кўрган, дейишга асос беради. Афғонистондаги вазият ҳақида тўхталар экан, Шавкат Мирзиёев «Афғонистонда тинчликка эришишнинг ягона йўли — марказий ҳукумат ва мамлакат ичидagi асосий сиёсий кучлар ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб боришдир», деди ҳамда «Музокаралар афғонистонликларнинг ўзлари ҳал қилувчи ўрин тутадиган ҳолда, Афғонистон ҳудудида ва БМТ шафелигида ўтиши лозимлигини таъкидлади».

Хоржий интернет нашрлари давлатимиз раҳбарининг АҚШга таширифи доирасида бошқа мамлакатлар вакиллари билан икки томонлама учрашувларини ҳам ёритди.

«24 часа» интернет газетаси (24chasa.bg) кайд этишича, Болгария ва Ўзбекистон Президентлари Румен Радев ва Шавкат Мирзиёевнинг Нью-Йоркда бўлиб ўтган учрашувида иқтисодий ҳамкорликни ва ўзаро инвестициявий шерикликни ривожлантириш имкониятлари муҳомада қилинди. Давлат раҳбарлари иқтисодий ҳамкорликни рағбатлантириш учун бизнес-форум ташкил этиш ёқсини қўллаб-қувватладилар. Президентлар икки мамлакатнинг сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлиги ўзаро манфаатли эканига эътибор қаратдилар. Икки мамлакатнинг минтақавий ва халқаро масалалар бўйича позициялари яқинлиги икки томонлама алоқаларни ривожлантириш учун пойдевор бўлиб хизмат қилди.

«Грузия Online» ахборот-таҳлил портали (arpsny.ge) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 сентябрь кунин Нью-Йоркда Грузия Бosh вазирини Георгий Квирикашвилини қабул қилди, деб хабар беради. Учрашув чоғида товар айирбошлаш ҳамжини янада ошириш ва унинг нормалатрасини кенгайтириш, савдо-санонат палаталари ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш, савдо уйлари ташкил этиш ва қўшма кўрсатмалар ўтказиш масалалари муҳомада қилинди.

Муктасар айтганда, давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқи ҳамда унда илгари сурилган ташаббуслар ва таклифлар, ташириф доирасидаги учрашув ва тадбирлар хоржий оммавий ахборот воситалари ва интернет ҳамжамиятининг диққат марказида бўлиб турибди. Интернетда жойлаштирилган кўп сонли фикр ва муносабатлар шундан далолат беради. Бу жараён давом этмоқда.

## ЯНГИ ДАВРНИ БОШЛАБ БЕРГАН ТАРИХИЙ ТАШРИФ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фаоллашгани, халқаро алоқалар учун кенг эркинлик яратилгани, мамлакатимизнинг янги қиёфаси шақллантирилаётгани таъкидлади.

Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратаётгани, ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдори эканини қайд этди. Шавкат Мирзиёев хорижга чиқиш визаларини «умрини ўтаб бўлган ўтмиш қолдиқлари» деб атади.

Президентимиз айтган «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун», «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», «Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади» деган шорлар барчанинг тилига тушди. БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш, Бош Ассамблеянинг «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиши бўйича тақлифлари барчада катта қизиқиш уйғотди.

Сессия иштирокчилари Шавкат Мирзиёевнинг нутқини диққат билан тинглади. БМТ каналлари орқали бевосита кузатиб борди. Бош қароргоҳдаги медиа марказда журналистлар ўзларига қўп нарсаларни қайд қилиб борди. Айниқса, Президентимиз Орол денгизи акс эттирилган харитани кўрсатганда ҳамма ўйга толди...

Шавкат Мирзиёев бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблашини таъкидлади. Буок алоқаларимиз, хусусан, Имом Бухорийнинг гоят бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, маърифий ислом тўғрисидаги таълимоти кенг ёйиш мақсадида Самарқандда Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот маркази, Тошкентда Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилаётгани маълум қилди.

Нутқ яқунланганда қарсақлар анча пайтгача тинмади. Сессия раиси, давлат раҳбарлари Президентимизни табриклади, ўз таасуротларини билдиришга ошиқди.

Масалан, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон ҳали ҳеч бир давлат раҳбари БМТ минбаридан туриб ислом дини қадриятларини бу қадар жасорат билан ҳимоя қилмагани, ҳеч қачон Имом Бухорий номини тилга олмаганини таъкидлади.

Халқаро сиёсий доираларда, оммавий ахборот воситаларида бу тарихий нутққа муносабат билдириш давом этмоқда.

Сессия доирасида мамлакатимиз, халқимиз учун яна бир аҳамиятли воқеа бўлди. Бирлашган Миллатлар Ташкilotи биносида маҳобатли Регистон майдонининг макети ўрнатилди.

Шу муносабат билан ўтказилган маросимда Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Ўзбекистоннинг «ташриф қроғози» бўлиши ушбу экспонат БМТ штаб-квартирасининг энг гавжум жойларидан бирига, БМТ Хавфсизлик Кенгаши ва Бош Ассамблея заллари ўртасидаги фойега ўрнатилганида ўзига хос чуқур рамзий маъно бор, деди давлатимиз раҳбари. Буоқ ипак йўлининг марказида жойлашган Самарқандда илм-фан, маданият, савдо, меъморлик, ҳунармандлик азалдан ривожланган, турли ўлкалардан келган инсонлар ахил-иноқ яшаган. Регистон эса ана шундай қадимий ва умумбашарий шаҳарнинг бетақдор рамзига айланган.

Регистон майдонининг макети юртимизнинг қўли гул уста ҳунармандлари томонидан ясалган бўлиб, қимматбаҳо металл ва гўзал миллий нақшлар билан безатилган. Энди Бирлашган Миллатлар Ташкilotида ишлайдиган, у ердаги тадбирларда қатнашадиган ҳар бир инсоннинг нигоҳи азалдан тараққиёт ва маданият маскани бўлган «Ўзбекистоннинг бир бўлағи»га тушади.

Президентимиз ақсарият давлатлар раҳбарлари сингари фақат БМТ сессиясида иштирок этиб қайтмади. Ҳар доимидек вақтдан ўта унумли фойдаланди. Қатор давлатлар ва халқаро ташкilotлар раҳбарлари, ишбилармонлар билан учрашди.

Ўзбекистон БМТга 1992 йил 2 март кuni аъзо бўлган. Бугун мамлакатимизда унинг қатор тузилмалари – Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкilotи, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкilotи, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкilotи, Болалар жам-

фармаси, Аҳолишунослик жамфармаси, Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича бошқармаси, Тараққиёт дастури ва бошқа тузилмаларнинг ваколатхоналари фаолият кўрсатаётди.

Жорий йил июнь ойида БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш Ўзбекистонга ташриф буорди. Шавкат Мирзиёев 19 сентябрь кuni БМТнинг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳида Бирлашган Миллатлар Ташкilotи Бош қотиби Антониу Гутерриш билан мулоқот ўтказди. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг миқёсли янгиланишлар тўғрисида сўзлаб берди.

Антониу Гутерриш Президентимизнинг Бош Ассамблеянинг 72-сессиясидаги нутқи ниҳоятда мазмундор бўлгани, унда билдирилган ташаббуслар муҳим ва ўз вақтида илгари сурилганини таъкидлади. Ушбу ташаббусларни халқаро майдонда қўллаб-қувватлашини қайд этди.

Бош қотиб Ўзбекистон томонидан минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, Афғонистонни қайта тиклашга қўмаклашиш бўйича қўрилаётган амалий чора-тадбирларни юқори баҳолади. Амударё ва Сирдарё сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенцияни илгари суриш, Орол денгизи билан боғлиқ экологик фалокат оқибатларини юмшатишга халқаро ҳамжамият диққат-эътиборини қаратишини билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари бўйича атрафлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкilotи Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Хусайн, Халқаро валюта жамғармаси фармойиш берувчи директори Кристин Лагард, Жаҳон банки президенти Жим Ёнг Ким билан учрашди. Болгария Республикаси Президенти Румен Радев, Грузия Бош вазири Георгий Квирикашвили билан мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича музокаралар ўтказди.

Учрашувлар белгиланган вақтдан кўра кўпроқ давом этди. Бу қўрилган масалалар

кўплиги, музокаралар мазмунан бой бўлганидан далолат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШнинг етакчи компаниялари раҳбарларини қабул қилди. Учрашувда Америка – Ўзбекистон савдо палатаси раиси Каролин Лэм, «Женерал Электрик» компанияси президенти Рон Поллетт, «Ханивелл» компанияси бўлинимаси президенти ва бош директори Ражив Гаутам, «СиЭнЭйч Индустриал» компанияси вице-президенти Стивен Надерни, «Дир энд Компани» компанияси президенти Жеймс Филд иштирок этди. Мамлакатимизда валюта соҳасида бозор механизмлари жорий этилгани, савдодаги турли тўсиқлар олиб ташлангани, ишбилармонлик ва инвестиция муҳити янада яхшиланаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон – АҚШ ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилди. Ўзаро манфаатли йўналишлар тақлиф қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи доирасида 20 сентябрь кuni Нью-Йоркда Ўзбекистон – АҚШ бизнес форуми бўлиб ўтди. Унда Америка Қўшма Штатларининг 100 дан ортиқ етакчи компанияси раҳбарлари иштирок этди.

Форум иштирокчилари ўзларини қизиқтирган аниқ инвестиция ва савдо лойиҳаларини муҳокама қилди, уларни амалга ошириш бўйича қўшма тадбирларни белгилаб олди. Тадбир якунида узоқ муддатта мўлжалланган 2,6 миллиард долларлик ҳужжатлар имзоланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатларида иштирок қилаётган бир гуруҳ ватандошларимиз билан учрашди.

Президентимиз 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Маъмурий ислохотлар концепциясининг аҳамияти ҳақида сўз юритди. Суд-ҳуқуқ, молия, кичик бизнес, туризм, тиббиёт соҳаларидаги ўзгаришлар тўғрисида маълум қилди.

Мамлакатимизда илм-фан ва таълимни ривожлантириш, замонавий кадрлар тайёрлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Ёшларга оид давлат сиёсати, иштирокчи мазмун-моҳияти, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ёшлар ҳуқуқ ва манфаатлари-

ни таъминлаш борасидаги фаолияти ҳақида сўз борди.

Давлатимиз раҳбари ватандошларимизни Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга дахлдор бўлиш, замонавий билим ва тажрибаларини юртимиз ривожига йўналтиришга даъват этди.

Айни пайтда сизларнинг ва сиз каби чет элларда юрган минглаб юртдошларимизнинг куч-ғайрат ва салоҳиятидан мамлакатимиз тараққиёти учун тўлақонли фойдаланилмоқда, деб айта олмаيمиз. Сизларнинг қалбингизда, юрагингизда юртимизда кечаётган жараёнларга ўз хиссасини қўшиш истаги ҳам, бунинг учун зарур салоҳият ҳам бор, бизнинг бу борада ҳам қиладиган ишларимиз кўп, деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган тизимли ўзгаришларда юқори натижага эришиш учун янги ёндашувлар талаб этилади. Мен бугунги кунда замонавий фикрлайдиган ва амалга оширилаётган ислохотларимиз мақсадини чуқур англайдиган кадрлар билан ишлашга тайёр эканимни таъкидлаб айтмоқчиман.

Мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшиш истагида бўлган чет элдаги барча ватандошларимизни Ўзбекистонга тақлиф этаман, деди давлатимиз раҳбари. Мен уларни қўллаб-қувватлашга ва ҳар томонлама рағбатлантиришга тайёрман. Ҳаммамиз жонажон Ватанимиз раванми йўлида бир ёқадан бош чиқариб бирлашсак, олд-имизга қўйган ҳар қандай оқсак маррага албатта етишимизга ишонаман.

Учрашув қатнашчилари Президентимиз томонидан амалга оширилаётган ислохотлар халқимиз турмуш даражасини янада юксалтиришга хизмат қилишини қайд этди. Мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантиришга ҳисса қўшишга тайёр эканликларини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп томонидан уюштирилган расмий қабул маросимида иштирок этди.

Президентимизнинг АҚШга ташрифи том маънода тарихий воқеа бўлди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон манфаати, халқимиз фаровонлигига хизмат қилади.

**Анвар САМАДОВ,**  
ЎЗА шарҳловчиси

## ТАШРИФ ЯҚУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги тадбирида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларида ташрифи тафсилотлари ва натижалари ҳақида журналистларга маълумот берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Саша Грауан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 18–20 сентябрь кунлари АҚШга ташрифи ва Бирлашган Миллатлар Ташкilotининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи Ўзбекистон ҳаётида муҳим тарихий воқеа бўлганини алоҳида таъкидлади.

Яхши нутқни ифодалаш учун шундай ибора ишлатилди: сўз учун макон тор, фикр учун кенг, дейилди анжуманда. Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги чиқиши ҳам айнан шундай бўлди. Давлат ва ҳуқуқат раҳбарлари иштирок этган мазкур саммитда жаҳон ҳамжамиятига дахлдор долзарб масалалар ҳақида сўз юритилди.

Президентимизнинг нутқи дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, халқлар ўртасида ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, БМТнинг ролинини янада оширишга қаратилган муҳим ташаббусларни ўзида муҷассам этгани боис давлат раҳбарлари, халқаро экспертлар, сиёсатшуносларда катта қизиқиш уйғотди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохот-

лар «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган тамойилга асослангани, жамиятимизда тобора ошиб бораётган фаоллик нафақат Марказий Осиё, балки бошқа минтақалардаги давлатлар билан ҳам амалий мулоқотни мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини қайд этди.

Президентимиз ўз нутқида Ўзбекистонда демократик давлат ва адолатли жамият барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар, Марказий Осиё мамлакатларида хавфсизликни ва исчи тараққиётни таъминлаш, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди, умумжаҳон миқёсида, БМТ даражасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар бўйича Ўзбекистоннинг тақлиф ва ташаббусларини баён қилди.

Шавкат Мирзиёевнинг ушбу тақлифлари гоят долзарб бўлиб, халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Ўзбекистонни келгуси беш йилда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида барча соҳаларнинг исчи тараққиёт этирилаётгани, 2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига чиққанига яққол далил сифатида эътироф этилди. Қўпгина мутахассислар яқид фикр билдирганидек, бу ташаббуслар Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида муҳим ислохотлар амалга оширилаётганини аналтади ва бошқа давлатларга ўрнак бўлишга арзийди.

Анжуманда Президентимиз ташрифи доирасида бўлиб ўтган учрашув ва мулоқотларнинг аҳамияти, уларда эришилган келишувлар ҳақида ҳам фикр юритилди.

**М.ЭЛМУРОДОВ,**  
ЎЗА муҳбири

## ДЕПУТАТЛАР ОДАМЛАР МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

2017 йилнинг 22 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Сийёсий партиялар фракцияларининг вакиллари қонун лойиҳаларини кўриб чиқишдан аввал Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқига ўз муносабатларини билдирдилар. Таъкидландики, давлатимиз раҳбарининг мазкур нутқи чинакамига тарихий аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро сиёсатининг энг муҳим йўналишларига доир юксак минбардан баён қилинган ташаббуслари кенг сиёсий доиралар ўртасида қўллаб-қувватланди.

Сийёсий партиялар фракциялари вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу нутқининг, давлат сиёсати энг муҳим йўналишларига тааллуқли амалий таклифларининг, фикр-мулоҳазаларининг моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш юзасидан сайловчилар, кенг жамоатчилик ўртасида ахборот-тарғибот тадбирларини ўтказиш зарурлиги тўғрисида таклиф ва тавсиялар билдирдилар. Давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган ташаббусларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашнинг муҳимлиги қайд этилди.

Шундан сўнгра депутатлар бир қатор қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда кўриб чиқишга киришдилар. Хусусан, «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ, Оила, Жиноят-процессуал кодексларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳалари ва бошқа қонун ҳужжатлари муҳокама қилинди.

Мамлакатнинг бугунги тутган сиёсий йўлга мувофиқ «Inson manfaatlari hamma narsadan ustun» де-

ган принципни мамлакатда халқ ҳокимиятини номигагина эмас, ҳақиқий қилувчи механизмларни кучайтириш орқали амалга ошириш демократик давлатни ва адолатли жамиятни барпо этишда устувор аҳамият касб этади.

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ норматив-ҳуқуқий базани янада ривожлантириш мақсадида Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Қонун лойиҳаси фуқароларнинг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишга бўлган, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан қафолатланган ҳуқуқнинг рўйбага чиқарилиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қакиради. Қонун лойиҳасида жамоатчилик назоратининг шакллари, уларни амалга ошириш механизмлари, жамоатчилик назорати субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари очиб берилган.

Мажлисида депутатлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Ушбу қонун лойиҳаси, депутатлар таъкидлаб ўтганидек, бозор иқтисодиётининг асосий шартларидан бири бўлган хусусий мулк қафолатларини таъминлашда ва химоя қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-про-

цессуал кодексининг 211-моддасига мувофиқ жиноят қуроли, кимга тегишлилигидан қатъи назар, мусодара қилиниши керак бўлган ва тегишли муассасаларга топширилган ёки йўқ қилиб юборилган.

Қонун лойиҳасига мувофиқ, ушбу талабга ўзгариш киритилиб, гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлган жиноят қуроллари мусодара қилиниши кераклиги ва тегишли муассасаларга топширилиши ёки йўқ қилиб юборилиши назарда тутилмоқда. Жиноят қуроллари гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳ-

кумга тегишли бўлмаган тақдирда, улар мулкдорларига қайтариб берилди.

Сўнгра депутатлар алиментлар тўловини таъминлашга доир амалдаги қонун ҳужжатларида мавжуд бўлган камчиликларни ва самарасиз механизмларни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилган қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Кейинги пайтларда, мажлисида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига фуқароларнинг алиментлар ўз вақтида тўланмаслиги масалаларига доир муносабатлари ва ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга оид таклифлар сони ошган. Бундан ташқари, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни чет элга чиқишга доир чекловни олиб ташлаш учун алиментларни олдиндан тўлаш ёки алиментларни тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш имконини берувчи норма билан тўлдирилмоқда. Шундай

қилиб, алиментлар тўлаши шарт бўлган шахсларнинг хорижга чиқиш ҳуқуқларини амалга ошириш учун, алиментлар олиш ҳуқуқига эга бўлган болаларнинг манфаатларини бузмаган ҳолда, шарт-шароитлар яратилмоқда.

Мажлисида кўриб чиқилган бошқа қонун лойиҳаси оилавий ажралишларнинг олдини олишга, шу жумладан, ушбу масала юзасидан маҳаллаларнинг тутган ўрнини кучайтириш орқали олдини олишга қаратилган. Ҳозирги вақтда фуқаролар йиғинлари ҳузурида яраштириш комиссиялари иш юритаётган бўлиб, улар фаолиятининг асосий мақсади оилавий муаммоларни тинч йўл билан ҳал этишдан, оилавий низоларни судга қадар кўриб чиқишдан иборат. Шунинг хисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига судлар ва ФХДЭ органлари томонидан уларнинг иш юритувида никоҳдан ажратиш билан боғлиқ ишлар мажбуриятини тўғрисида яраштириш комиссияларини хабардор қилишга доир қоидаларни белгилашга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимча киритилмоқда. Бу, ўз навбатида, яраштириш комиссияларига ажралишларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўриш имконини беради.

Қизиқarli баҳс-мунозара руҳида ўтган мажлис давомида кўриб чиқилиб, биринчи ўқишда қабул қилинган қонун лойиҳалари юзасидан депутатлар бирлашмалари ўз нуктаи назарларини билдирдилар.

Мажлисида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати

## ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТ

Пойтахтимизда 22 сентябрь куни «Ўзбекистоннинг Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги ташқи сиёсий фаолияти» мавзусида халқаро давра сўхбаты бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети томонидан ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз парламенти аъзолари, вазирлик ва идоралар, халқаро ва жамоат ташкилотлари вакиллари, АҚШ, Буюк Британия, Швеция, Бельгия, Франция, Хитой, Россия, Япония, Хиндистон, Покистон каби давлатлардан экспертлар иштирок этди.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректори А.Жуманов, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари А.Носиров, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори В.Норов, Тараққиёт стратегияси маркази ижрочи директори А.Бурхонов ва бошқалар давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизда ислохотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жа-

миятни ҳар томонлама уйғун ва жадал ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш, барча соҳаларни модернизация қилиш ва эркинлаштиришдек мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтган Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи йўналиши ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ. Унинг барча йўналишлари, авваломбор, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратиш, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада ошириш, тинчлик ва барқарорлик, хавфсизлиқни таъминлашга қаратилган. Ушбу вазифалар доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар Биринчи Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган, демократик талаблар ва халқаро мезонларга тўлиқ жавоб берадиган мамлакатимиз ташқи сиёсати концепцияси Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан янги босқичда давом эттирилаётганининг яққол далилидир.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар,

аввало, қўшни давлатлар билан олиб бораётган очиқ, конструктив, ўзаро манфаатли ташқи сиёсати Марказий Осиё минтақаси учун муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбари ўтган даврда Туркменистон, Қозоғистон, Россия, Хитой, Қирғизистонга амалга оширган давлат ташрифлари мамлакатимиз ташқи сиёсатида янги қўшничилик муносабатларига алоҳида эътибор қаратилётганининг амалий исботидир. Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида таъкидлаганидек, ўтган қисқа вақт мобайнида минтақادا мутлақо янги сиёсий муҳит яратишга эришилди.

Мазкур давлат ташрифлари мамлакатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларини намоян этди. Ушбу ташрифлар тафсилотлари нафақат сиёсий доираларда, балки жамоатчилик ва экспертлар орасида кенг муҳокама қилинди. Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан муносабатларини янада ривожлантириш ва мустақамлаш йўлида изчил сиёсат олиб бораётганидан далолатдир.

— Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистонда давлат ва жамиятни ҳар томонлама жадал ривожлантиришга қаратилган билан аҳамиятлидир, —

дейди Буюк Британия парламенти Лордлар палатаси аъзоси, Умумпартия парламент гуруҳининг Ўзбекистон бўйича раиси ўринбосари Муҳаммад Илфат Шайх. — Мазкур Стратегияда илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартлар ҳисобга олинган, мамлакатингиз тараққиётининг барча соҳалари истиқболли чукр ифода этилган. Бу борадаги ислохотларнинг амалга оширилиши Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо этишда муҳим пойдевор бўлиши шубҳасиздир.

Анжуман шўъбаларидаги музокараларда миллий тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишда халқаро тажриба пухта ўрганилгани, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари очиқ, конструктив ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка асослангани қайд этилди. Халқаро экспертларнинг фикрича, мазкур стратегик мақсадлар мамлакатнинг халқаро майдонда ўз олдига қўйган вазифаларини тўла амалга оширишида катта имкониятлар тақдим этади.

— Ўзбекистондаги ўзгаришларни мунтазам кузатиб борамиз, — дейди Лунда университети профессори Маттиас Байер (Швеция). — Ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатингиздаги ҳуқуқий исло-



HARAKATLAR STRATEGIYASI

2017-2021

хотлар давлат дастурлари ва қонунлари қабул қилиш билан чекланиб қолмасдан, уларни ҳаётга изчил татбиқ этишда катта сазъ-ҳаракат олиб борилишини кўрсатмоқда. Ҳаракатлар стратегиясида жамият равнақига хизмат қиладиган барча соҳалар камраб олингани Ўзбекистоннинг келгусида улкан муваффақиятларга эришишидан далолат беради.

Давра сўхбатыда мамлакатимиз ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари, қўшни давлатлар, минтақалараро стратегик шериклар билан дўстона муносабатларни янада мустақамлаш, савдо-иқтисодий муносабатларни таъминлашга хизмат қилувчи давлатлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш каби долзарб масалалар бўйича фикр алмашилди.

М.ЭЛМУРОДОВ,  
ЎЗА мухбири

2017-yil 23-sentabr, № 76 (9037)

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбарида сўзлаган нутқини ҳар бир ўзбекистонлик жон қулоғи билан тинглади. Сўз қадимий ва буюк маърифатнинг Ватани — Ўзбекистон раҳбарига берилганда сессия иштирокчиларининг чеҳрасида эҳтиром, эътибор балқиди, 72-сессия ўзбекона руҳ, донишманд Шарқ овозини тинглади болади.

Президентимиз нутқи буюк аждодларимизга эҳтиромдан бошланди. 17 дақиқадан зиёд давом этган нутқнинг 22 мавзуси аждодларга эҳтиром; диний экстремизм ва терроризм; жаҳон ёшларининг маънавияти, тақдир; ёшларнинг бахтига зомин бўлаётган "вируслар" ва уларнинг олдини олиш; дунёнинг жами 2 миллиард ёшларини қўллаб-қувватлаш; уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари; ёшларга оид сиёсат; ислом динининг инсонпарвар моҳияти; Имом Бухорий; дунёда жаҳолат ўсим-ташининг ёйилишига чек қўйиш йўлида бирлашиш масалаларига бағишланди.

"Танаси бошқа дард билмас", дейдилар. Инсоният телеэкранларда ҳар ҳафта, ҳар ой дунёнинг турли чеккаларидаги терроризм актларини кўра-кўра, бегуноҳ қурбонларнинг қони тўкилаётганига, жони узилаётганига кўникиб бораётгандек. Агар шу зайлда давом этаверса, инсон ҳаётининг қадр-қиммати тобора тушиб кетаверади. Терроризм ва экстремизмнинг "инсон омили"ни маърифат ва тарбия "қўлларни" билан тўхтатиш зарур. Залдаги тингловчилар, миллиардлаб телетомошбинлар, ота-оналар терроризм ва экстремизм балоси кўз тикиб турган ўз жигарбандларини кўз олдидан келтирдилар. Ўзбекистон Президентининг нутқи ilk lahzalardan тинчликпарвар Ўзбе-

кистон меҳрини — жаҳонга, жаҳон меҳрини — Ўзбекистонга қаратди.

Президент нутқидаги асосий ургулардан бири дунёда тобора ёйилиб бораётган маккор, хунхор диний экстремизм ва терроризм мавзусига қаратилди. Дунё аҳлига бу вабога қарши курашнинг энг тўғри — **сабаб билан курашиш** йўли кўрсатиб берилди. Давлат раҳбарлари эътибори жаҳолатни боқайтган, болалатаётган илдишларга қаратилди.

Тўғриси айтиш керак, ҳозир диний экстремист ва террорист тўдаларга

химоясиз ёшларни алдаб, адаштириб ўз сафларини тўлдиряпти. Уларни алдаб, подадек ҳайдаб, қурбон қилиб, четдан мамнун томоша қилаётир. Алданиб, жиноятчига айланганларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар. Бу ёшларнинг ҳар бири — ўз мамлакатда ёшлар тарбияси борасида йўл қўйилган хато-тарихнинг асорати.

Президентимиз сессияда "сайёрамизнинг эртаси фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етишига боғлиқ", деган масалани қатъий қилиб қўйди. Бу бир қараганда тушунар-

хаётий, устувор йўналишига айлансин. Ана шунда маърифат, тарбия ҳар бир фуқаро, ота-онанинг кундалик, билиб бажариладиган онгли ишига айланади.

Бир мисол. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг стандартига кўра, билимсизлик (жаҳолат — **М.Қ.**) — саломатликка таҳдид ҳисобланади. Чунки болаларнинг касал бўлишига асосий сабаблардан бири ота-оналарда тиббий билимларнинг етишмаслиги экан. Шу боис маърифатли ота-оналар "Болам соғ бўлсин", деб тиббий

## Munosabat

махсус резолюциясини қабул қилишга чақирди. Бу даъватда нафақат Ўзбекистон ёшларининг, балки 2 миллиардлик жаҳон ёшларининг тақдир, демак, инсоният эртанги кунининг қайғуси мужассам бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг БМТ юксак минбарига кўтарган ташаббуслари ҳар бир ўзбекистонлик, айниқса, биз, маънавият ва маърифат аҳли, устоз-мураббийлар учун буюк ифтихор. Айни вақтда бу зиммамизга улкан масъулият юклайди. Ҳар бир ўғил-қизни ҳаётнинг аччиқ-чучук синовларига **олдидан тайёрлашимиз** керак. Токи ҳар бир ўғил-қиз, ўсмир ўзининг яқин, ўрта ва узоқ муддатли аниқ, эзгу мақсадларига эга бўлсин. Биз уларга бу мақсадларига эришиш салоҳиятини бериб, қўмақлашайлик.

Ёшларнинг маърифати, тарбияси, фазилатлари, аввало, ота-оналарга, уларнинг педагогик маданиятига боғлиқ. Болаларимизни ҳеч ким биз учун тарбиялаб бермайди. Тарбия — меҳнатнинг, ўргатишнинг ҳосилидир. Фарзандга одоб ўргатиш ҳар бир инсоннинг нафақат дунёвий, балки диний вазифаси. Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтадилар: **"Албатта, кишининг фарзандига одоб ўргатмоғи бир ўлчам нарсани садақа қилмоғидан кўра яхшироқдир"**. Демак, ота-она ҳар куни ўғил-қизига нима-нидир тушунтириб, кўрсатиб, ўргатмоғи яхши. Шунда у ўзининг бу дунёси (боласи моддий-маънавий бой, бахтли бўлади)га, ҳам у дунёси(боласига ўргатган одоблар учун ажри савоблар ёзилади)га сармоя олар экан. Ўргатмаса, бунинг аксидир.

Мухаммаджон ҚУРОНОВ,  
педагогика фанлари доктори

# Глобал даъват

қарши кураш деганда телевизор, интернетда танк, авиация, автомат, дронлар билан бўлаётган уруш манзараларини кўряпмиз. Лекин афсуски булар оқибат билан курашиш полигонлари. Зеро ҳоҳил, мурасасиз ёш йигит ё қиз эгнига диний экстремист, террорист либосини кийиб, қўлига қурол олган. Бу — оқибат. Уни тўхтатишнинг яхши (маърифат, тарбия) воситалари, имкониятлари ўз вақтида ишлатилмаган. Вақт бой берилган.

Президентимиз халқаро терроризм ва экстремизм балосининг маънавий, мафкуравий сабабларини кўрсатиб берди. Яъни **"Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва мурасасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир"**.

Маърифат ва тарбия. Бугун терроризм ва экстремизм ана шулардан кўрқади. Ана шу неъматлардан бебаҳра қолган,

лидек, аммо айримлар томонидан "биздан узоқдаку", деган лоқайдлик туфайли амал қилинмай келинаётган маънавий масъулият эди. Уларга муаммонинг ечими ўз қўлларимизда эканлиги уқтирилиб, ёшларни терроризм ва экстремизмга олиб бораётган сабаб-илдишларни йўқотиш ташаббуси ўртага ташланди. Бунинг учун бир олам оруз-ҳавас билан яшаётган, билаги кучга тўла ёшлар билан самимий гаплашиб, ўз салоҳиятини ишга солиши учун шароит яратиб бериш керак. Бундан ташқари, ёшлар онгидан терроризм ва экстремизм, зўравонлик "вируслари"га мурасасизлик, мустаҳкам мафкуравий имунитет қалқон қилиб қўйилиши керак.

Президентимиз маърузасида ана шу ишларни қай йўсинда амалга оширишнинг ечими ҳам тақлиф қилинди: **Келинлар, биргалашиб, БМТнинг ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Конвенциясини ишлаб чиқайлик!** Олам аҳли тинч, хотиржам яшасин. Конвенцияни имзолаган давлатларда маърифат, тарбия ихтимойи сиёсатнинг асосий,

билимларга эга бўлишмоқда.

Тиббий билимсизлик — саломатликка таҳдид экан, тарбиявий билимсизлик — болаларимиз бахтига таҳдид, десак тўғри бўлади. Демак, ёшларимиз экстремистик оқимларга ўлжа бўлмаслиги, маърифатли, тарбияли, бахтли бўлиши учун ҳар бир ота-она педагогик билимларга эга бўлиши талаб этилмоқда. Бу Ўзбекистоннинг инсониятга қарата айтган "Жаҳолатга қарши маърифат" деган даъватининг рўёбга чиқишига, маърифатнинг жаҳолат устидан ғалабасига хизмат қилади.

Президентимиз давлатлар раҳбарларини ислом номидан қилинаётган жиноий қилмишларни ҳақиқий ислом динидан фарқлашга даъват қилди. Ҳа, буни Имом Бухорий, Исо Термизий, Аз-Замахшарий, Бурхониддин Марғинович, Муртудий, Насафий каби ислом маърифатининг устунларини етиштириб берган халқнинг фарзанди айтишга ҳақли.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев инсониятни "БМТ Бош Ассамблеясининг **"Маърифат ва диний бағрикенглик"** деган

# Устувор вазифалар муҳокама қилинди

**Халқ таълими вазирлигида навбатдаги видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилишни Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари ҳамда ҳудудий халқ таълими бошқаруви идоралари мутасаддилари, ҳудудий халқ таълими бошқармаси кадрлар бўлими, мактабгача таълим бўлими, молия ва режалаштириш бўлими бошлиқлари, қурилиш-таъмирлаш ишларига масъул шўба раҳбарлари, ҳар бир тумандан икки нафардан МТМ мудирлари жойлардан туриб тўғридан-тўғри кузатиб борди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил

9 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар, 2018 йилда 5-6 ёшли болаларни, кейинги йилларда барча мактабгача ёшдаги болаларни тўлиқ давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш бўйича "Бекобод шаҳри ва Бекобод тумани намунаси"ни яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичи ҳамда мактабларда ташкил этилган 10-синфга қамров натижалари, жойларда "Ўқув-ишлаб

чиқариш мажмуалари" ташкил этиш каби масалалар кенг муҳокама қилинди.

Алоҳида таъкидлаш жоиз, мактабгача таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ҳар жиҳатдан замонвий тизим яратиш, нодавлат мактабгача таълим муассасалари секторини ривожлантириш мақсадида кенг кўламли комплекс тадбирлар амалга оширилмоқда. Йиғилишда бажарилаётган ишлар таҳлили, болаларни МТМга қамраб олиш кўрсаткичи, уларни мактабга тайёрлаш ишлари борасида фикр юритилди.

Болаларни босқичма-босқич мактабгача таълимга тўлиқ қамраб олиш юзасидан "Бекобод

шаҳри ва Бекобод тумани намунаси" бўйича тақдимот қилинди.

9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш ҳамда 10-синфга қамраб олиш натижалари, жойларда ташкил этилаётган "Ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари" бўйича ҳам ҳисобот берилди.

Йиғилиш якунида кун тартибидида масалаларнинг айна кунларда бажарилиш ҳолати юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари бошлиқларининг маълумоти тингланди.

Жўрабек МУСУРМОНОВ,  
Халқ таълими вазирлиги мутахассиси



## Videosелектор

## Эзгулик бунёдкори

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўқитувчиларга эзгулик бунёдкори, дея таъриф беришади. Аслида ҳам устоз мактабга қадам қўйган ҳар бир ўқувчига билим бериш билан бирга меҳр улашади. Тарбиядаги икки муҳим устун — маърифат ва меҳр оғушида улғайган фарзандлар эса эзгу гоғлар тарғиботчиси бўлиб во-яга етади.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 273-мактабда ҳам ана шундай устозлардан бири — Наргиза Нурматова бошланғич синф ўқувчиларига таълим-тарбия беради. Ўқитувчининг эндигина 1-синфда ўқишни бошлаган жажжи қалб соҳибларига мавзуларни қизиқарли ўйиши ҳаммасблари, ота-оналар томонидан эътироф этилади. Хусусан,

ёзув дарсини ўзи яратган педагогик технология асосида олиб бориши кўлига эндигина қалам тутган ўқувчилар хусниҳатининг раво ва текис бўлишини таъминляпти.

— Ёзув — ўқувчининг юзи, — дейди Наргиза Нурматова. — Шунинг учун 1-синфда ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашиб, ёзув техникасини ўргатиш самарали эканига тажрибада амин бўлдим.

Интилувчан устоз 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан севимли ўқувчилари тақдим этган гулдастага боқиб ўзининг беҳад бахтиёрлигини бот-бот такрорлайди. Зеро, шогирдлар ишончи — устоз учун улкан бахт.

**Насиба ЭРХОНОВА,**  
"Ma'rifat" мухбири  
**Б.РИЗОКУЛОВ** олган сурат.

## Университет тарихига назар

Самарқандда "Ўзбекистонда илм-фан, олий таълим тизимининг шаклланиши ва тараққиётида Самарқанд давлат университетининг тутган ўрни" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Тадбирда мазкур олий таълим муассасасининг тарихи, мамлакатимиз илм-фани ва таълим ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида сўз борди.

Ялпи мажлисда университет тарихидан видеолавҳалар намойиш қилиниб, "Темурийлар даврида фан тараққиёти", "Ўзбекистонда мадрасайи олийлар — мусулмон Шарқи олий таълим тизимининг асоси" гоёсининг тадрижий тақомили, "Самарқанд давлат университетининг шаклланиши тарихидан" мавзуларида маърузалар тингланди.

Шундан сўнг "Самарқанд — илм-фан, маданият ва маърифат бешиги", "Жаҳон илм-фани тараққиётида Шарқ мутафаккирларининг тутган ўрни", "Самарқанд давлат университети илмий мактабларининг Ўзбекистон илм-фанини ривожлантиришдаги роли", "Юқори малакали кадрлар тайёрлаш: ютуқлар, муаммолар, ечимлар" шўъбаларида илмий муҳокамалар давом эттирилди.

**Зиёда ҒАФФОРОВА,**

Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим мудири

Ўқувчи-ёшларни хоҳиш-иродасига кўра касб-хунар тўғрисида йўналиштириш мақсадида "Иқтидорли ва истеъдодли баркамол авлод" широри остида ўтказилган "Очиқ эшиклар куни"да Тошкент шаҳар "Баркамол авлод" болалар маркази аъзоларининг "Муштақил юрт фарзандимиз" мавзусидаги кўргазмаси ташкил этилди.

Сабинани олиб келдим. Унга "Тўқиш" тўғраги маъқул келди. Сотув расталарида нимча, пайпоқ, қўлқоп, шарф тўқишга мўлжалланган турли иплар бор. Тўғарак аъзолари ана шу иплардан кийим-кечаклар тўқиганини кўриб, унда қизиқиш пайдо бўлди. Қиз бола тўқишни мукамал ўрганиб олса, бу хунари унга ҳаёти мо-

## «Иқтидорли ва истеъдодли баркамол авлод»

Техник ижодкорлик, бадий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология йўналишлари бўйича 40 дан ортиқ тўғарак аъзоларининг ижод намуналари ота-оналар эътиборига ҳавола этилди. Шакл-шамойили бир-бирига ўхшамаган ракета, самолёт моделлари, мунчоқ билан безатилган буюмлар, ўлкашунослик ва экология муаммолари акс эттирилган манзаралар қанча вақтда яратилишидан қатъи назар, болада қайсидир касб-хунар ҳақидаги илк кўникма ва малакани ҳосил қилишда муҳим аҳамиятга эга.

— "Очиқ эшиклар куни"га қизим

байнида қўл келади, — дейди Муҳайё Дадабоева.

— "Тўқиш" тўғрагига иштиёқманд қизлар кўп, — дейди мураббий Феруза Тўйчиева.— Тўқишни ўзлаштирган қизларнинг ота-оналари биздан миннатдор. Тадбирдан кейин ўқувчиларим сони янада кўпайдиган бўлди. Машғулотлар жадвалини болаларнинг бўш вақтига мўлжаллаб тузди. Куннинг биринчи ва иккинчи ярмида ўтказиладиган тўғарак машғулотларида оддийликдан мураккаблик сари тузилган ўқув дастурлари таянмади. Шу тарихда ўқув йили охирига қадар ҳар бир боланинг мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талабларини ўзлаштиришига имконият яратилади.

"Очиқ эшиклар куни"да марказга яқин ҳудудда жойлашган умумтаълим мактаблари ўқувчилари турли тўғаракларга аъзо бўлдилар.

**Асолат АХМАДҚУЛОВА,**  
"Ma'rifat" мухбири



## Maktabga e'tibor — kelajakka e'tibor

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсуповнинг камид битта шеърини ёд билмайдиган киши йўқ қорақалпоқда. Президентимиз тақлифи билан қисқа фурсат ичида Нукус шаҳрида қад кўтарган Ибройим Юсупов номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатининг муштақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилган юртдошларимиз учун ҳақиқий байрам совғаси бўлди. 216 ўринга мўлжалланган мазкур мактабда чинакам адабиёт шайдолари таҳсил олмақда.

## «Бу ер ҳали зўр бўлади!»



— Ўқувчиларни 5-синфдан тест синови асосида ўқишга қабул қилдик, — дейди мактаб директори Фахрахат Палимов. — 76 дан юқори балл тўплаган ўғил-қизлар мактабимизда таълим олиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ҳозир 5-, 6-, 7-синфларда жами 150 дан ортиқ ўқувчи маҳоратли, юксак билим ва тажрибага эга, танлов асосида ишга қабул қилинган ўқитувчилар таълим-тарбия бермоқда.

Уч қаватли таълим муассасасида барча имкониятлар яратилган. Фан, лаборатория, лингафон, чет тили, тил ва адабиёт, информатика хоналари сўнгги замонавий ўқув қуроллари, АКТ воситалари билан таъминланган. Замонавий спорт инвентарлари билан жиҳозланган спорт залида тўғараклар иш бошлади. Қорақалпоғистоннинг олис туманларидан келиб таҳсил олувчилар кўпчиликини ташкил этгани учун 100 ўринли ётоқхона қурилди. Мактаб-интернатда ўқиш истагини билдирган номзодларнинг кўпчилиги юртимизда китобхонликка, адабиётга қаратилаётган эътибор бе-самар кетмаётганининг ёрқин ифодаси.

— Адабиётга қизиқишим мени янги мактабга етаклади, — дейди 5-синф ўқувчиси Айсулув Жумабоева. — Эртак, ҳикоя ёзишни яхши кўраман. Мақолаларим республикамиздаги болалар нашрларида чоп этилган. Келажакда тил ва адабиётни чуқур ўрганиб, яхши ижодкор бўлиш ниятим бор.

Дарҳақиқат, бу масканга келган ҳар бир ўғил-қизнинг орзуси бор. Адабиётга ошно кўнгилдан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Улар доим гўзал-

ликка ошиқ, яхшиликка талпиниб яшади.

— Ҳозир танлаш имкони юқори, — дейди қораўзақлик ўқувчи Муратбой Жолдасбоевнинг онаси Сергул Даўлетниязова. — Ёшларимиз иқтидор ва қизиқишга қараб, махсус мактабларда таълим олиши мумкин. Бу ўз ўрнида соғлом рақобатни юзага келтиради. Нукусда шундай мактаб очилгани бизни хурсанд этди. Чунки фарзандимизнинг адабиётга қизиқиши юқори эди. Уни шу мактабда ўқитишни жоиз билдик. Туманимиз Нукусга узоқлигини ўйлаб, бошида хавотирлангандик. Ўқувчилар учун ётоқхона қурилгани бу мушкулимизни осон қилди.

Мактабда яратилган шариёт билан танишиб, ота-оналарнинг эътирофи тўғри эканига амин бўлдик. Ётоқхона шинам ва қулай. Иссиқ, совуқ сув бор. Дам олиш хонаси, дарс тайёрлайдиган махсус хона, ошхона, хуллас барча имконият яратилган.

Мактабда босмахона ҳам фаолият бошлади. Бу ерда таржумонлик бўйича махсус мактаб яратилиши назарда тутилган. Босмахонада чет тиллардаги адабиётлар қорақалпоқ тилига, қорақалпоқ тилидаги адабиётлар чет тилларга таржима қилиниб, чоп этилади.

Таълим муассасасидаги сўлим боғда ўрнатилган Ибройим Юсупов ҳайкали сиймоси бугунги дорилармон кунларга мамнун ҳолда сизни қарши олади. Ҳаёлга шоирнинг шундай сатри келади: "Бу ер ҳали зўр бўлади!"

**Несибеи МАМБЕТИРЗАЕВА,**  
"Ma'rifat" мухбири

2017-yil 23-sentabr, № 76 (9037)

# Фидойиликсиз марралар забт этилмайди

## ёки Қоракўлдаги 1-ИДУМИ фаолиятига бир назар

Яқинда Ҳиндистондан келган хушxabар барчамизни хурсанд қилди. Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган математика бўйича халқаро мусобақада юртимиз вакиллари 2 оltин, 4 кумуш медални кўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллади. Аҳамиятлиси, терма жамоа сафида юртимиз шарафини ҳимоя қилган ўғил-қизларнинг барчаси Қоракўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати ўқувчиларидир.

Маълум бўлишича, республика саралаш босқичида 50 нафар ўқувчи иштирок этган. Танлов жараёнида бошқа ҳудудлардан келган ўқувчилар берилган 15 та мисол-масаланинг 8-10 тасини тўғри ишлаган бўлса, қоракўллик номзодлар 13-14 тагача масалага тўғри ечим топган.

### Мақсад аниқ бўлса, тафаккур йўл кўрсатади

Табиий савол туғилади: мактаб жамоаси бу натижага қандай эришди? Саволимизга жавоб топиш мақсадида таълим муассасаси фаолияти билан яқиндан танишдик. Айни пайтда мустақиллик 356 нафар ўқувчига 54 нафар олий, биринчи ва иккинчи тоифали ўқитувчи сабоқ бермоқда. Таълим сифатини юқори даражада ушлаб туриш мақсадида ўқитувчи ва ўқувчилар имтиҳон асосида қабул қилинади. Ўқувчилар математика, она тили ва адабиёт ҳамда психология фанларидан тест топширади. Қанча ўқувчи битирса, янги ўқув йилида шунча бола қабул қилинади. Мисол учун бу йил 30 нафар битирувчи ўринга яна шунча ўқувчи қабул қилиш режалаштирилган. Талабгорлар эса бир ўринга ўндан ошқини ташкил этмоқда.

### Муваффақият гарови — иқтидорли ўқувчи

Ихтисослаштирилган мактабнинг ўзига хос жиҳати, керак бўлса, муваффақият калити — иқтидорли бола. Шу боис таълим муассасасига энг билимли ўғил-қизлар танлаб олинади ва улар билан махсус машғулотлар олиб борилди. Бу эса натижаларда ўз аксини топмоқда. Мисол учун, мактаб ўқувчиси Аббос Сайлиев 2014 йили Москвада ўтган Ломоносов номидаги математика мусобақасида совиндор бўлиб, 2015 йили Хитойда ўтказилган ёшлар ўртасидаги Хал-

қаро олимпиадада кумуш медаль соҳибига айланди. 2016 йили эса Шаҳбозбек Ҳасанов Таиланддаги халқаро мусобақада кумуш ва бронза медал билан тақдирланди. Шу йилнинг март-апрель ойларида Россияда ўтган беллашувда 7-синф ўқувчиси Олимжон Олимов кумуш медаль совриндорига айланган бўлса, 8-синф ўқувчиси Шаҳбозбек Ҳасанов Японияда ўтган иқтидорли ўқувчилар симпозиумида иштирок этди. Ҳиндистондаги мусобақада эса Дониёр Исмоилов, Исмоил Пўлатов, Севара Остонова ва Олимжон Олимовлар жамоавий турда 4 та кумуш, индивидуал бахсларда эса (Дониёр Исмоилов ва Севара Остонова) ilk маротaba иккита оltин медал оlib, юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишди. Айни пайтда мактабнинг "Ёш математиклар" тўғарагида сараланган 15 нафар ўқувчи келгуси йилги мусобақаларга жиддий тайёргарлик кўрмоқда.

### "Бизга фарзандингизни беринг, бошқа ҳеч нарса керакмас"

ёки фидойи педагогларга тасанно!

Бу каби муваффақиятлардан ота-оналар ҳам миннатдор. Халқаро олимпиада фолиби Дониёр Исмоиловнинг онаси Лобар Раҳимова фикрига кулоқ тунинг-а.

— Қоракўл туманидаги Қораун кишлоғида истиқомат қиламиз, — дейди у. — Ўғлим Дониёр 1-синфда дарсларни кишлоғимиздаги 48-мактабда бошлаган. Ўқув йилининг ярмида устози Гулзода Давлатова "Опа, ўғлингиз жуда иқтидорли, уни мактаб-интернатга олиб боринг" деб қолди. Фарзандим кичиклиги боис 4-синфга шу мактабда ўқиди. 5-синфда аниқ фанларга ихтисослаштирилган махсус мактаб-интернатга олиб бордим. Ўғлим имтиҳонлардан яхши ўтиб, аъло баҳоларга ўқий бошлади. Айниқса, матема-



### Ixtisoslashtirilgan ta'lim muassasalarida

тикага меҳри бўлакча эди. Бироқ кўп ўтмай, оиламиздаги иқтисодий қийинчилик сабабли ўғлимни кишлоғимиздаги мактабга қайтармоқчи бўлдик. Бу ҳақда синф раҳбари Шерназар Саломовга айтдим. У киши "бизга фарзандингизни беринг, бошқа ҳеч нарса керакмас! Мен директоримиз Темуру Рўзиевга оилавий шароитингизни тушунтираман", деди. Устози сўзининг устидан чиқди. Мана икки йилдири, мактаб директори Темуру Рўзиев ўғлимни астойдил қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бир куни устози Шерназар Саломов "Опа, рухсат берсангиз, ўғлингизни олимпиадага тайёрласан. У мактабда биринчи ўринни олди. Энди шанба-якшанба кунлари ҳам шуғулланамиз", деб қолди. Дадаси иккала-миз таклифга рози бўлдик. 2016 йилнинг ёзидан Дониёр устози билан жиддий тайёргарликни бошлади. Натижа кутганимиздан-да аъло бўлди. Агар шу каби фидойи устозлар бўлмаганида Дониёр бугунги муваффақиятларга эриша олмасди.

### Қаттиқ интизом, "Профилактика куни" ва "Ишонч қутиси" нимага хизмат қилади?

— Мактабимизда ўзига хос тартиб ва таълим-тарбия усули мавжуд, — дейди олтин медаль соҳибаси Севара Остонованинг устози Зуфар Ўдаев. — Куннинг биринчи ярмида ўқувчилар умумтаълим фанларидан кундалик дарсларни ўтишади. Ҳафтада икки кун соат 14.00 дан 18.00 гача математика, она тили ва адабиёт, инглиз тили фанлари билан қўшимча шуғулланишади. Дарслар тўғрача, ётоқхонага йўл олишади. У ерда уй вазифаларини бажаришади. Навбатчи ўқувчи уларнинг саволларига жавоб беради.

Ҳафтанинг пайшанба куни мактабда "Профилактика куни" деб эълон қилинган. Дарсдан сўнг йиғилиб, ҳафта давомида таълим-тарбия борасида эришилган ютуқ ва йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилинади. "Ишонч қутиси" ҳам ташкил этилган бўлиб, "Профилактика куни"да ўтадиган йиғилиш олдидан мактаб раҳбари келиб тушган ҳар бир мурожаатни кўриб чиқади. Таълим мас-



канидаги "Ёш математиклар" тўғарагида мактабнинг олимпиадачи ёшлари устозлари Жаҳонгир Мирзақуллов бошчилигида халқаро олимпиадаларда берилган саволлар тўплами ва масалаларни ечади. Сонлар назарияси ва комбинаторикага оид топшириқларни бажаради. Олимпиадачи ўқувчилар билан жадвалдан ташқари ҳам қўшимча машғулотлар олиб борилади. Машғулот вақти ва хонаси эзилган эълон шу куннинг ўзига ўқитувчилар хонасига осиб қўйилади. Мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Орзикул Наврўзов ҳар куни бу каби қўшимча машғулотларнинг ўз вақтида ўтилаётганини назорат қилиб боради.

Ҳиндистондаги ёш математиклар мусобақаси иштирокчиларидан "Бундай машғулотлар сизни чарчатиб, толиқтириб қўймайдими?", деб сўрадик. "Мураккаб масалаларнинг ечимини топмагунча изланамиз, турли усулларда масалаларни ишлаб чиқамиз. Бу бизга завқ бағишлайди" дея жавоб берди Исмоил Пўлатов.

### Соғлом рақобат, фидойилик ва ҳамжиҳатлик — ютуқлар омили

Халқаро майдонда юксак ўрин эгаллашга фақат мактаб миқёсидаги саяё-ҳаракатларнинг ўзи етарли эмас. Бу борада халқаро танловларни кузатиб келаятган, ундаги ўқувчилар иштирокини таҳлил қила оладиган, камчиликлар фанининг қайси бўлимлари бўйичалигини аниқлаб, кучларни шу бўшлиқларни тўлдиршига сафарбар этадиган малакали ва етуқ устоз-мураббийлар зарур. 1997 йилдан буён ўқувчиларни халқаро математика мусобақаларига тайёрлашда бош-қош бўлаётган, етуқ ва тажрибали устоз, Хал-

қаро математика олимпиадаси ҳайъати аъзоси — Шухрат Исмоилов ана шундай мураббийлардан. Бу инсоннинг тажрибаси ва маслаҳатлари асосида бугун таълим тизимида математика фанини ўрганиш бўйича сезиларли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу ўзгаришлар ҳақида яқиндан билиш мақсадида мураббийнинг ўзига юзландик.

— Халқаро олимпиада мисол ва масалалари анча мураккаб бўлиб, ностандарт ечим ва шартлари билан фарқ қилади, — дейди Шухрат Исмоилов. — Ўтган йилларда хориж тажрибасини кузатиб, математика фанининг янги давлат таълим стандартига "Чекли тўпламларнинг комбинациялари", "Комбинаторика" бўйича мавзуларни киритдик. Бу халқаро олимпиадаларда янада муваффақиятли иштирок этишимизга ёрдам беради. Пойтахтда республикамиздаги барча ихтисослаштирилган мактаб ўқитувчилари учун халқаро олимпиадаларга тайёргарлик кўриш бўйича семинар-тренинг ўтказдик. "Алгебра ва сонлар назарияси сирлари", "Графлар назарияси", "Геометрик конструкция" каби мавзуларни ўргатишда педагогларимизга зарур амалий тавсиялар бердик. Ўтган йили "Олимпиадага тайёрланамиз" номли методик қўлланма чоп этдик. Бухоро, Қашқадарё, Фарғона, Нукус, Сирдарё, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳрида мактаб ўқувчиларига математикани ўқитиш борасида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. 2018 йили Болгария ва Россияда бўладиган халқаро мусобақаларда ҳам муваффақиятли қатнашиш мақсадида-миз.

Ҳар бир мактаб директори ва педагог яхши билиши лозимки, иқтидорли болалар ўртасидаги соғлом рақобат, фидойилик ижобий натижалар гаровидир.

Зебо НАМОЗОВА





## 1-oktabr — O'qituvchi va murabbiylar kuni

Илмдир ҳаётнинг  
бешиги

...Эндигина 6-синфда ўқиётган Сойибжон мактабда уюштирилаётган экскурсияларни иштиқиб кутар, айниқса, маҳалласи этагида автосарой томон қанот боғлаб учгудек ошиқарди. Кун бўйи турли русумли техникаларни тузатиш, ғилдирақларини ямаш билан банд бўлган усталарнинг кўзлари чақнаб турган болакай берган сўнгсиз саволларга жавоби Сойибжонни сеҳрли олам сари бошларди. У «Нега ғилдирақлар ейилади?», «Нега асфальт йўллар ўнқир-чўнқир?», «Нега бу трактор бузилгани бузилган?» каби сўроқларга ечим излаб вақти бўлди дегунча муролага шўнгирди... Ана шу иштиқ, усталар эътибори, машаққатли меҳнати уни бузунги даражага етказди. Илми ҳаётнинг бешиги сифатида қадрлаган, унинг исми билан қудуқ қазигча менгзалган заҳматларига елка тутган Сойибжон Негматов Ўзбекистонда композицион материаллар ва уларнинг технологияси бўйича яратилган мактабнинг асосчиси сифатида тап олинди. Мустақиллигимизнинг 26 йиллиги арафасида Президентимиз фармонига биноан «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» фахрий унвони билан тақдирланди.

— Бугун дунё миқёсида композицион полимер махсулотларига бўлган эҳтиёж тобора ортапти, — дейди таниқли олим. — Хусусан, мамлакатимиз автомобил ва машинасоzлик саноатида ишлатиладиган қора ва рангли металлургия ўрнини пишиқ, хизмат кўрсатиш мuddати ва яроқчилиги узоқ мuddатга кафолатланган материаллар эгаллаётир. Масалан, автотранспортнинг соҳасида машиналарнинг асосий деталлари полимер махсулотларидан тайёрланяпти. Ёғочни қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган қипиқлар, бир

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Халқаро муҳандислар академиясининг муҳбир аъзоси, айна пайтда Ислам Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети тасарруфидаги «Фан ва тараққиёт» унитар корхонасининг илмий раҳбари Сойибжон Негматовнинг бу каби кашфиётларда муносиб улуши бор. Хусусан, унинг раҳбарлигида жаҳон тажрибасида биринчи бўлиб «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятида қўлланаётган чиқиндисиз, ресурстежамкор, экологик тоза тех-

иккиламчи хомашёлар асосида яратилган янги композицион материаллар ишлаб чиқаришининг турли соҳаларида кенг қўлланилмоқда.

— Илмий изланишлар давомида пахта териш ва қайта ишлаш жараёнини бажарадиган механизмларда асосий вазифани адо этувчи қисмларнинг полимер материаллардан ишланишига алоҳида эътибор қаратди, — дейди академик. — Чунки, биринчидан, бу деталларни тайёрлашда фойдаланиб келинган рангли ва қора металллар нархи қиммат. Иккинчидан, бундай материаллар пахта титиб юбориши туфайли 2-3 фоиз тола зое кетади. Композицион материалларнинг силлиқлиги, ёпишқоқлик хусусиятига эга эмаслиги туфайли толага умуман зарар етмайди, ҳажми ҳам пасаймайди. Ана шу борада кутилган натижага эришиш учун бир ярим мингга яқин деталлар яратиш, амалиётга жорий этдик. Бу давлатимиз газнасига миллион-миллион сўм соф фойда бўлиб қайтаётир. Асфальтга ётқизиладиган бетон қопламалар ёзда торайиб, қишда кенгайди. Айниқса, бузунги глобал иқлим ўзгаришлари туфайли ёзнинг чилласида асфальт 150—170 даражага қизиши кузатилаётир. Бетонлар эса ҳароратнинг бор-йўғи 60—70 даражага кўтарилишига бардош беради, холос. Йўлларимиздаги ўнқир-чўнқирлар, ноте-кисликлар ана шу номуносибликнинг оқибати-дир. Иқтидорли шогирдларимдан Рустамжон Солиев асфальт қопламаларида иссиқ ва совуққа чидамли композицион материаллардан фойдаланиш борасида тадқиқотлар олиб бораётир. Унинг изланишларига илмий раҳбарлик қиларканман, болалик чоғларимданок менга тинчлик бермай келган сўроқларга тафаккур оламининг ниҳоясиз сарҳадларидан жавоб топдим. Олимнинг саодати тадқиқотларнинг мамлакат раҳбари, халқ фаровонлигига хизмат қилаётганига гувоҳ бўлиш, бошлаган ишларининг бардавомлигидир. Менга тақдир ана шундай бахтни инъом этганини ҳар лаҳза ҳис этиб тураман.

Ойбуви ОЧИЛОВА,  
«Ma'rifat» муҳбири

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Дадабоев фаолиятига бағишланган «Ўзбек терминологияси: бузунги ҳолати ва истиқбол» мавзусида илмий-назарий конференция ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ўзбек терминологиясининг тараққиётида Ҳ.Дадабоевнинг муносиб хизмати борлигини алоҳида таъкидлашди.

Дарҳақиқат, домла қирқ йилдан бери тарихий терминология, лексикология, лексикография, семасиология, этимология, манбашунослик, матншунослик масалалари билан изчил шўғулланиб келаятгани таҳсинга лойиқ.

Олимнинг ўзбек терминологияси ривожига қўшган ҳиссасини, шубҳасиз, мозийда битилган қўлёзма манбалар матнида қўлланган истилоҳлар тизимини чуқур ўрганиш-

қатламларидан бири саналган ҳарбий лексикага оид илмий тадқиқотлари нафақат тилшунослар, балки тарихчилар учун ҳам дастуриламал бўлиб хизмат қиляпти, — дейди олимнинг шогирдларидан бири Самарқанд давлат университети профессори, филология фанлари доктори Ибодулла Мирзаев. — Мозийда битилган ва ҳозирга қадар маълум бўлган манбаларнинг деярли ҳаммаси ҳарбий иш ва ҳарбий санъатга доир истилоҳлар фаол қўлланишида бўлганлиги билан ажралиб туради. Бундай ҳолатни нафақат «Зафарнома», «Бобурнома», «Шайбонийно-

Ўзбек тарихий  
терминологияси  
етақчиси

га қаратилган тадқиқотлари ташкил қилади. Таъкидлаш ўринлики, ўзбек тилшунослиги турли соҳа терминларини синхрон аспектда ўрганиш борасида анчагина ютуқларни қўлга киритган. Ушбу жараён ҳозирги кунда ҳам жадаллик билан давом этмоқда. Эски туркий тил ва эски ўзбек адабий тили сўз бойлигининг катта қисмини ташкил этган, ўзига хос шаклланиш ва тараққиёт босқичларини босиб ўтган ранг-баранг терминлар тизимини диахрон аспектда таҳлил этишдек долзарб масала туркологлар диққат-эътиборидан четда қолган эди. Ушбу бўшлиқни бартараф этиш, тарихий терминологияни соҳанинг етақчи йўналишларидан бирига айлантириш вазифасини айнан Ҳамидулла Дадабоев ўз зиммасига олди.

Таниқли терминологнинг Туркия, Германия, Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Озарбойжон сингари мамлакатларда ўтказилган халқаро анжуман, симпозиум ва конгрессларда ўқиган маърузалари, рус, немис, турк, инглиз тилларида чоп этилган мақолалари ўзбек тилшунослигининг ҳозирги ҳолатидан чет эллик мутахассисларни яқиндан бохабар қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугун юртимизнинг турли ҳудудларида олимнинг шогирдлари соҳа ривожига йўлга меҳнат қилаётир. Устоизода ҳавас қилиб, илм йўлини танлаган бу инсонларнинг қўпчилиги бугун моҳир мутахассисга айланиб улгурган.

— Устозимизнинг ўзбек тили сўз фондининг қўна

ма», «Шажараи турк», «Риёз уд-давла» каби тарихий асарлар, балки «Қутадғу билиг», «Қисаси Рабғузий», «Ўқ ва ёй мунозараси», «Гул ва Наврўз», «СаДДи Искандарий» сингари дидактик-панднома, диний, бадиий обидалар матнида ҳам кузатиш мумкин.

1996 йили Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Ҳамидулла Дадабоев томонидан тайёрланган «Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати» рисоласи чоп этилди. Асарда муаллиф Соҳибқирон ҳаёти акс эттирилган манбалар асосида унинг дунё ҳарби иши ва санъатига қўшган салмоқли ҳиссасини моҳирона тасвирлашга эришган. Тарихчилар амалга ошириши керак бўлган вазифани аъло даражада удалаган олим Темурбек қўшини тузилиши, жанг олиб бориш тактикаси, усуллари, қурол-яроғи ва бошқа жиҳатларга тўхталиб, улар билан боғлиқ терминларни матнга қойилмақом қилиб сингирдириб юборган. Масалан, ясол — жанговар тартиб, ўнлик, йузлик, минглик, туман, кунбул — қўшин қанотларини химоя қилувчи қисм, тавачи — адыютант, бўржал — белгиланган жой, ўрин, тумантуғ — дивизия қўмондони туғи сингари терминлар келтирилган.

Шу маънода, домланинг турли рисодалари, монографиялари тарихшунос, сиёсатшунос, руҳшунос, тилшунос, ҳарбшунос назариётчи ва амалиётчилар учун муҳим назарий манба ролини ўташи шубҳасиз.

Қумрихон СУЛТОНОВА,  
филология фанлари  
номзоди



йиллик ўсимликларнинг танасини майдалаб 5—10 фоизлик полимер қовушқоқларини аралаштириш асносида олинадиган хомашё ҳам сув ва нам оқтирмаслиги, ёнучанлик хусусияти деярли йўқлиги, тебранишга мойиллиги боис боғловчи материал сифатида ажралиб туради. Шу боис улардан автобуслар ишлаб чиқариш ва қурилишда кенг фойдаланиляпти.

нологиянинг яратилгани туфайли, жумладан, мис ишлаб чиқарилиши йилига 1116 тоннага ошди. Бундан келадиган иқтисодий самарадорлик 17 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Устоз 650 дан ортик илмий мақола, 18 монография ва 53 кашфиёт муаллифи. У ва шогирдлари олиб борган изланишлар натижасида полимер материаллар, маҳаллий минераллар ва

2017-yil 23-sentabr, № 76 (9037)

*Ижод ибоси*

Хаё, ор-номус инсоният, жумладан, ижод ахлининг зийнати-дир. Таъбир жоиз бўлса, асар хусни унинг "хаё"сида ҳам намоён. Шу ўринда "ижод ибоси" иборасини қўлласак бўлар. Албатта, бунда ижодкор шахси, эътиқоди, ижодий концепцияси билан бирга асарнинг эстетик таъсири, ўқувчида уйғотган таассуроти ҳам назарда тутилаётир.

"Ор-номус муҳаббатдан устун", деб ёзибди ёш ижодкор қиз. Бу ҳақда шогирдининг дунёқарашидан қониқиш ҳосил қилган устози айтиб қолди: "Ор-номус бўлмаган жойда муҳаббатга ўрин йўқ. Номуссиз муҳаббат муҳаббат эмас. У шу аччиқ ҳақиқатни тушуниб бораётганининг ўзи қувонарли".

Хаёллар мени олисларга етаклаб кетади. Қизи тенги раққосанинг

эшилишларига ҳамоҳанг қочириш қилаётган "ошиқ"лар, тубан туйғулар, жирканч истакларини "инсон ҳуқуқи", "муҳаббат" номи билан ниқоблаётган "демократ"лар... Тавба, дейсан.

Негадир ибони аксарият ҳолда аёлларга нисбат берамиз. Эр кишига хаё керак эмасми?

Аслида, ижодкор номуссиз сўздан ҳазар қилиши даркор. Аксига олиб, бугун шармандагарчиликнинг бозори чаққон. Яланғоч "шеър"у "қўшиқ"лар урчиб бораётгани ҳам шунинг натижаси бўлса, эҳтимол.

Шавкат Раҳмоннинг мана бу сўзлари ёдга тушади: "Башар фожиасини, миллат фожиасини ўз фожиаси билиб ўртанган шоир ҳақиқий шеър бахтига муяссар бўлади. Шеър ёзиш эса ўлим билан юзмаюз туриб гаплашган билан баро-

бардир. Турли-туман давраларда ёши бир жойга бориб қолган неварачеварали кишиларнинг муҳаббат тўғрисидаги шеърларидан безганмиз. Тугмачадек оғизларини ўйнатиб, "севгилим, мен сени ташлаб кетаман" деб ҳайқирган безбетгина "луччак" оймқизларнинг фироғидан куйганмиз. Ё тавба! Ҳазрат Навоий ҳам невараси тенг қизалоқларни бир жойга йигиб, "Муҳаббат боғида судралиб юрдим" деб шеър ўқиганмикин?... Бизларнинг шеър тўғрисидаги, шоир тўғрисидаги тасаввуримиз бузилмагани, шеърини санъат йўқолмагани, азалдан заҳар ва асал омухтаси бўлган тилимиз кўча тилига, бозор тилига айланиб қолмаганими?".

Шоир сўзларига қўшимча қилишга журъат этаман: ҳозир "нафсоний шеъринг" авж нуктасига чиқмадими? Ижодда "ўйин"лар ҳаддан ошиб кетмадими? Сўзимиз ва ўзимиздан ҳаё кўтарилмадими?

*Яшаш учун кураш*

"Яшаш учун кураш" тушунчаси ҳаммага яхши таниш. Лекин аксариятимиз назарда тутаятган "яшаш учун кураш"да ҳаддан ортиқ зўриқиш, ўзининг ва бошқаларни қийнаш, зулм, тажовузкорлик, ёлғон, ҳалол ва ҳаромни фарқламастик, ўзгалар ҳақиқа хиянат... борга ўхшайди. Бунақа "яшаш" одамни ҳаётдан ҳам баттар шафқатсиз қилиб қўяди, боз устига, жуда тез чарчатади. Шунданми, имкон қадар "яшаш учун курашмай" яшашга ҳаракат қилишган.

Бу — менинг ҳаётим ва ҳозирча беқарор ҳулосаларим. Сизнинг фикрингиз бошқачароқ бўлса, ажаб эмас.

# Таҳрирсиз хаёлар

"Телевизорингиз мурувватини бошқа каналга созламиз" — бидирлайди бошловчи қиз.

"Ўқимчилик китоб бўлибди" — ўзича лутф қилган бўлади адабиётшунос олим.

"Сиз истаган наво жанранг сочишни бошлади", "Мана шундай жойлар ўтмишимизнинг узоқ тарихга эга эканидан далолат беради", "Ихтиёт бўлинг", "Ҳозир мен Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона қошисидаман"... Булар махсус кузатув натижалари эмас, шунчаки йўл-йўлакай қўлоққа чалинган чалажон жумалар. Ахир, телевизорда мурувват нима қилсин? Китоб одам эдимки, ўқимчилик бўлса...

*Шиллимиз тақдирини қимнини кўзимизда?*

Яна бими келин-куёвни "севишган жуфтлар" дейди. "Халқимиз ўта болажонли" деб ёзади бошқаси. "Илоҳиси бор"дан қутулишининг ҳали-бери илоҳи топилмас керак.

Буларни саводи мундайроқ кишилар эмас, экран орқали миллионлар қаршисига чиққан бошловчилар, журналистлар, олимлик номини кўтариб юрган филологлар айтяпти. Айтганда ҳам бураб-бураб, тилингни қичитар даражада эшилиб-эшилиб айтяпти. Газеталарнинг "нимгурма" тили, ғариб имломиз ҳақида-ку айтмаса ҳам биласиз. Нуфузли адабий нашрларда ҳам бундай қўпол хатолар бот-бот учраб турганига нима дейсиз!

"Нафис таомлар макони", "Салқинли мулоқот истайсаними? Бахтинга эриш". Бу нима дегани, ахир? Кўча-кўйдаги "антика" жой номларини ўқиб тегна сочи тикка бўлади одамнинг. Мана тилга муносабатнинг аҳволи!

Бу каби алмойи-алжойи гаплар интернетда ҳам тўлиб ётибди. Ҳурматли адибимиз айтмоқчи, бунақа "бузук тил ҳавоси"дан бўғилиб кетасан киши. Аммо барчамиз мана шу диққинафас ҳаводан "бахраманда" бўлиб юрибмиз. Нима қилиш керак? Бундай пайтда битта сўз ёз тиниш белгиси устида, керак бўлса, соатлаб бош қотирадиган сафи сийрак синчи муҳаррирларнинг азбаройи тилимиз манфаати йўлида айтган заҳар-заҳар сўзлари новводдай туюлади.

Кўплаб ёш ижодкорлар тўпламлари, арзонгаров наشريётлар томонидан чоп этилаётган "Сайланма"ю "Иқронома"ларни варақлаб кўринг. Хаёлига келганини ёзиб, оғзига келганини айтаятганларига гувоҳ бўласиз.

Бу тилга ҳурматсизликдан бошқа нарса эмас.

Аслида, буларнинг бари — ҳаммамизга таниш манзаралар, ўзимизнинг гаплар. Бироқ бот-бот бонг урилса-да, нега муаммо баттар урчиб кетаяпти? Кўпчилигимиз шу дард билан оғрияпмиз, нима учун аҳвол борган сари ёмонлашмоқда? Шундоқ ҳам пасайиб кетаётган овозимиз, нари борса, бир сўхтаб ё мақолага етди. Қисқаси, гап эгасини топмаяпти. Бу ёқда кўплаб ёш тилшунослар дярли аҳамиятсиз "илмий иш"лар билан андармон. Туриб-туриб алам қилади, нахотки, Тил тақдирини, Сўз қисмати ҳақида баҳс юритиш биз шўрлик "балалар"га қолган бўлса? Миллат маънавиятига дахлдор шундай пайтда тилику қўли узун устоз ижодкорларнинг аксарияти нега жим? Саволлар, саволлар...

*"Оддийлини" ёлгонлар*

— Ҳозиргина ўзим сизга кўнғироқ қилмоқчи бўлиб турувдим...

— Биров сўраса, мен бу ерда йўқман.

— Беш минутда етиб бораман.

— Бундан арзонини тополмайсиз.

— Шерикларингизга шу нарха олдим, денг-а!..

— У киши йўқ эдилар...

— Нахотки ёлгон гапираятганга ўхшасам?

— Унақа деганим йўқ!

— Ўзи сизни қутиб турганим.

— Бизда ҳаммаси яхши...

Хоҳласангиз, ўзингиз давом эттиринг. Ахир улар жуда кўп. Янаям булар энг оддийлари. Катта-катта ёлгонлар... Йўқ, ортигини юрак кўтармайди!

*Ҳадик*

**Бор-йўғимни этдим хайр-эхсон,  
Кеча-қундуз қилдим ибодат.**

**Охиратини ўйлаб ёнди жон,  
Илм истаб югурдим фақат.**

**Қабул бўлмас биронтаси ҳам,  
Бари кетар, шекилли, куйиб.**

**Бугун тонгда негадир отам  
Қараб қўйди норизо бўлиб.**

Аъзам Ўктамнинг бир неча гўзал, бадий жиҳатдан пишқ ашъори қатори шу "оддий-рок шеъри ҳам ўқувчиға ажиб кайфият улашади. Шеър — ҳаётини, ўзбекиона ва андақ фожиавий. Ҳозир шеър таҳлилга берилмай, ҳар сафар ушбу сатрларни ўқиганда кўнглимдан кечадиган ўй-хаёллар билан ўртоқлашам.

Шеърнинг биринчи бандидан аён бўлмоқдаки, лирик қаҳрамон — шоирнинг ўзи — пок эътиқод йўлида жидду жаҳд билан илму ибодат қилаётган (*илм олиш ҳам улуг ибодат эканини яна бир бор ёдга олайлик*), бор-буддини эзгулик учун сарф қилишга уринаётган иймолни фарзанд. Бироқ у айни дам лаҳзалик бир ҳолдан қаттиқ мутаассир, кўнгли хижил. Бу иккинчи бандда ойдинлашади:

**Бугун тонгда негадир отам  
Қараб қўйди норизо бўлиб.**

Шоир шу ерда "Қараб қўйди қовоғин уйиб" деса ҳам бўларди. Бу қофия учун ҳам қулайроқ. Аммо... Ҳаётда кўп нарсани англаб етишга улгурган навқирон ёшдаги "ноқобил" фарзанд тутаётган фожиани ифода-лаб бера олмасди. Ота шунчаки қовоқ уйиб қўйгани йўқ, норизо бўлиб қарамоқда! Аниқроғи, шоир-ўғил шундай қабул қилмоқда. Тагин тонгда-я! Шеър муаллифи жуда но-

*Ҳёте эмас, Гёте!*

Бир пайтлар нуфузли журналларимиздан бирида Ҳёте деган номни ўқиб ҳайрон бўлгандим. Мана, яна ҳурматли устозларимиздан бири Гётени Ҳёте деб "тақдим этяпти". Тўғри, ханузгача русий қолиплар исканжасидаги тилимизда кўпгаб хорижий исмлар "руслаштириб" берилди. Аслида, Гомер — Ҳомер, Геродот — Ҳеродот, Герман Гессе — Ҳерман Ҳессе, Генрих Гейне — Ҳайнрих Ҳайне, Ҳатто Гегел Ҳегел эканини биламиз. Аммо Ҳёте қаердан келиб чидки? Ахир немисларнинг ўзи ҳам Гёте дейишади. Чунки аслиятда шундай. Бир қарашда арзимасдай туюлади...

Билим ифода билан "негадир" дейди. Гўё билиб-билмасликка олади. Аслида у ҳаммасини билиб, тушуниб турибди. Лекин шўрлик фарзанд отанинг ҳам ҳаммасини кўриб-билиб тургани ҳолда "негадир" норизодай бўлиб боқаятганини ҳазми қила олмаяпти, бечорага бу жуда оғир ботяпти. Ўзбек оила-сида отанинг фарзандга сал норизо бўлиб қараш ҳам мудҳиш ҳол ҳисобланади. Ҳатто шу оний ҳолат бор-йўғини хайр-эхсонга сарфлаган, охиратини ўйлаб ёнган, кеча-қундуз ибодат қилиб, илм истаб елиб-югурган озурда жонинг барча яхшиликлари куйиб кетажағига ишора қилмоқда. Эйтибор берсангиз, шоир шу ерда ҳам "Куйиб кетар, шекилли" дейди. "Куйиб кетади", демайди. Отанинг ва, албатта, Яратганининг кечиршига умид қилади...

Ижодий умри давомида кўп асарларига Қуръон оятлари, ҳадиси шариф мазмун-моҳиятини сингдирган шоир ушбу шеър орқали ота-онани рози қилиш ҳақидаги муқаддас калималар, халқимизда эътиқод даражасига кўтарилган "Ота рози — Худо рози" ҳикматини ёдга солади. Лекин фарзанд ҳақи, фарзанд розилиги деган тушунчалар ҳам бор! Қолаверса, биз шеърини ўқиб — гарчи унда Она ҳақида бир оғиз гап бўлмаса-да — бор умрини жигарбандлари ташвишини чекиб ўтказаятган Она ҳақида ҳам ўйлай бошлаймиз...

Шеърномни ўзи билан — "Ҳадик". Аммо қалбда баридан улуғи — Умид бор. Шоир шеър қатида ана шу Умид учқунларини алангалатиб юборгандек таассурот уйғотади.

Бир қарашда жуда оддий туюлган шеър замирида шундай катта ҳаётини ҳақиқат ётибди. Тагинам бу биз англаб, тасаввур қилганларимиз. Билмадик, шоир-фарзанд кўнглидан ўша дам яна нималар ўтган экан...

**Бехозод ФАЗЛИДДИН**

**Боймуродов Хусниддин Тошболтаевичнинг 03.00.06 — Зоология ихтисослиги бўйича “Ўзбекистон сув ҳавзаларининг иккипаллали (*Bivalvia: Unionidae, Corbiculidae*) моллюскалари” мавзусидаги (биология фанлари бўйича) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Зоология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.29.08.2017.В.52.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 29 сентябрь кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**

**Манзили: 100053, Тошкент шаҳри, Боғшамол кўчаси, 232-уй. Тел/факс: (0-371) 289-04-65, 289-12-07; e-mail: ibz@academy.uz.**

**Нормахматов Подирали Сохобаталевичнинг 02.00.10 — Биоорганик кимё ихтисослиги бўйича “Сулфатланган полисахаридлар асосида антибактериал ва антивирус фаолликка эга биоселектив макромолекуляр тизимлар” мавзусидаги докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Ўзбекистон Республикаси ФА Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети, Ушмлик модалари кимёси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 26 сентябрь кuni соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**

**Манзили: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 83-уй. Тел/факс: (0-371) 262-35-40, 262-70-63; e-mail: info@biochem.uz.**

